



Ro'yxatdan o'tkazildi
Ro'yxat raqami: I-15
Sana: "20" fevral 2023 yil
Imzo: Муртаза

"Smart bank" акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг
2023 йил "6" феврал даги
06-02/- сонли йиғилиш баённомасига
20-илова

**"SMART BANK" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ**

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг депозит сиёсати (кейинги ўринларда Сиёсат деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Сиёсат “Smart bank” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) пул маблағларни депозитларга жалб қилиш, ресурсларини шакллантириш ва қайтариш ҳамда жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш соҳасидаги фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб беради.

2. Сиёсатда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

депозит - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қайтариб бериш шарти билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси;

ўртача тортилган фоиз ставкаси - ҳисобот даврида миллий валютада жалб қилинган юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлари ҳамда жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли омонатлари, шунингдек банк пластик карталарида маблағлар бўйича белгиланган йиллик фоиз ставкалари ҳамда умумий депозитлар (омонатлар) суммасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланадиган фоиз ставкаси;

депозит операциялари субъекти - юридик ва жисмоний шахслар;

депозит операциялари объекти - юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари.


2-боб. Сиёсатнинг асосий мақсади ва вазифалари

3. Сиёсатнинг асосий мақсади кенг кўламдаги молиявий хизматларни кўрсатиш орқали пул маблағларини депозитларга жалб қилишни мувофиқлаштириш ва Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

4. Банк ўз фаолиятини юритиш давомида бозор конъюнктураси ва стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, пул маблағларни депозитларга жалб қилиш воситаларининг турларини кенгайтириб ва такомиллаштириб боради.

5. Сиёсатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- пул маблағларини қулай шартлар ва баҳолар асосида жалб қилиш;
- пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш орқали барқарор ресурс базасини шакллантириш;



в) жисмоний шахслардан пул маблағларни омонатларга жалб қилиш ҳамда омонатлар ҳажмининг ўсишини ва жамғарилишини таъминлаш;

г) пул маблағларини жалб қилиш воситаларининг жозибадор турларини жорий қилиш орқали ахолининг жамғариш ва инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш;

д) депозит портфелини самарали бошқариш ва диверсификация қилиш.

6. Банкда депозитларни самарали бошқариш мақсадида депозитлар таркиби ва тузилмаси тўғрисида ойлик ҳисботлар жорий қилинади.

7. Фазначилик бошқармаси томонидан депозитлар бўйича Банк Бошқарувига ҳисботлар тақдим этиб борилади.

8. Банк бозордаги ҳолат бўйича аниқ ва ўз вақтида олинган маълумотларга асосланиб, жалб қилинаётган маблағлар турларининг афзалликлари ва камчиликларини батафсил аниқлаб олади.

3-боб. Сиёсатнинг тамойиллари ва омиллари

9. Сиёсат Банкнинг бошқа сиёсалари билан узвий боғлиқ бўлиб, Банк стратегиясининг ва/ёки умумий сиёсатининг бир қисми ҳисобланади.

10. Сиёсатни шакллантиришда қўйидаги асосий тамойиллар ҳисобга олинади:

а)харажатларнинг энг мақбул даражасини таъминлаш орқали барқарор фойда;

б)депозит операцияларини амалга оширишда Банкнинг ишончлилик;

в)депозит операцияларда асосий эътиборни барқарор ресурсларга қаратиш;

г)жалб қилинган маблағлар ва йўналтиришган маблағлар муддатилари ҳамда ҳажмларининг ўзаро мутаносиблигини бошқариш.

11. Сиёсатни амалга оширишда қўйидаги омиллар ҳисобга олинади:

а) Банкнинг жорий ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси;

б) депозитларни жалб қилиш ва жойлаштиришда молия бозорининг жорий ҳолати ва тенденциялари;

в) қайта молиялаш ставкаси;

г) амалдаги қонунчилик ҳужжатларига киритилган ва/ёки киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар.

12. Банкнинг мазкур Сиёсати депозит бозорини таҳлилини ўтказиш, пул маблағларини жалб қилинишида харажатларни минималлаштириш, депозит портфелини бошқариш ҳамда Сиёсатни самарали юритиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олади.

4-боб. Пул маблағларини депозитларга жалб қилиш

13. Банк томонидан қўйидаги воситалар ва йўллар орқали пул

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat gaqami: 1-15
	Sana: "lo" fevral 2013 yil
	Imzo: Мурод

маблағларини депозитларга жалб қилинади:

- а) жисмоний шахслардан пул маблағларини жалб қилиш;
- б) юридик шахслардан пул маблағларини жалб қилиш;
- в) банкларо бозордан маблағларни жалб қилиш;
- г) қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

14. Банк томонидан пул маблағларини жисмоний шахслардан жалб қилинишидаги асосий йўналишлар:

- а) аҳоли учун қулай ва жозибадор омонат турларини жорий этиш;
- б) масофавий банк хизматлари орқали кўрсатиладиган молиявий хизматларни ривожлантириш орқали талаб қилиб олгунча ва пластик карталаридаги пул маблағлари салмоғини ошириш;
- в) пул маблағларини жалб қилишда замонавий информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда электрон хабар юбориш тизими, Банк мобил иловаси ва веб-сайти орқали операцияларни амалга оширишни такомиллаштириб бориш;
- г) фуқароларнинг Банкдаги омонатларидаги пул маблағларининг қайтарилиши тўлиқ ҳажмда кафолатланганлигини кенг тарғиб этиш орқали Банкка бўлган ишончини тобора мустаҳкамлаш ва омонатларни кўпроқ жалб қилиш;
- д) узок муддатли ресурс базасини шакллантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг узок муддатли депозитлари улушини ошириб бориш.

15. Банк томонидан пул маблағларини юридик шахслардан жалб қилинишидаги асосий йўналишлар:

- а) молиявий хизматларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш ҳамда икки томонлама манфаатли бўлган муносабатларни мустаҳкамлаш орқали Банкка пул маблағларини жалб қилиш;
- б) корпоратив мижозларга жозибадор хизматларни кўрсатиш орқали уларнинг жорий хисобваракларига ва депозитларга жалб қилиш;
- в) мижозлар билан узок муддатли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш. Хусусан, йирик корхоналар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда кенг кўламдаги молиявий хизматлар кўрсатиш тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш;
- г) депозит бозоридаги талаб ва таклиф таҳлил қилинган ҳолда янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқишида асосий эътибор депозит жалб қилиш тизимини автоматлаштириш орқали мазкур жараённи оптималлаштириш;
- д) масофавий банк хизматлари орқали кўрсатиладиган молиявий хизматларни ривожлантириш орқали пул маблағларини жалб қилиш;
- е) узок муддатли ресурс базасини шакллантириш мақсадида юридик шахсларнинг узок муддатли депозитлари улушини ошириб бориш.

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi
	Ro'yxat raqami: I-15
	Sana: "10" fevral 2023 yil
	Imzo: Мергенев

16. Банк томонидан пул маблағларини банклараро бозордан жалб қилинишидаги асосий йўналишлар:

- а) Банк томонидан қисқа муддатли ликвидликни таъминлаш ҳамда жорий тўловларни молиялаштириш мақсадида банклараро бозордан пул маблағлари жалб қилинади;
- б) Банкнинг банклараро депозит бозоридаги фаолияти молиявий жиҳатдан барқарор ҳамда яхши нуфузга эга бўлган банклар билан ишлашга асосланади;
- в) Банк ҳамкорлар билан хуқукий муносабатларга киришиш ва банклараро амалиётлар бўйича ўзаро лимитларни белгилаш орқали банклараро депозит бозорида бошқа банклар билан ҳамкорлигини ривожлантириб боради;
- г) Банк бошқа банклар томонидан жойлаштириладиган депозитлар ҳажмининг ортиб борилишига интилади.

17. Банк томонидан пул маблағларини қимматли қофозларни муомалага чиқариш йўли орқали жалб қилинишидаги асосий йўналишлар:

Банк қимматли қофозларининг асосий шакллари бўлиб депозит сертификатлари ва омонат сертификатлари ҳамда облигациялар ҳисобланади.

- а) юридик шахсларга мўлжалланган депозит сертификатлар ҳамда жисмоний шахсларга мўлжалланган омонат сертификатларининг эмиссиясини амалга ошириш;
- б) узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган узок муддатли корпоратив облигациялар ҳамда субординар қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш.

5-боб. Депозитлар бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш

18. Депозитлар бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 3 июля 2692-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ҳисобланади.

19. Банк томонидан Сиёсатни юритиш ҳамда депозитларнинг муддатлари ва фоиз ставкаларини белгилашда ушбу маблағларни жойлаштириш муддатлари ҳамда ставкалари инобатга олинади. Шунингдек, янги омонат ва депозит турларини жорий қилишда Банкнинг даромадлилигини ошириш ҳамда ликвидлилигини мустаҳкамлаш тамоили или устувор ҳисобланади. Бунда, даромадлилик ва ликвидлилик, шунингдек Банк мажбуриятларининг қиймати ҳамда муддатлари мунтазам таҳлил қилиб борилади.

SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>I-15</u> Sana: <u>ю "февраль 2023yil</u> Imzo: <u>Муртасов</u>
------------	--

6-боб. Ҳисоб ва назорат

20. Банк амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида юридик шахслар ва жисмоний шахслар учун миллий ҳамда чет эл валютасида ҳисобварақлар очади ва уларнинг ҳисобини юритади.

21. Депозитлар бўйича фоизлар амалдаги бухгалтерия ҳисоби ҳамда солик қонунчилигига мувофиқ ҳисобланиб борилади ва тўланади.

22. Пул маблағларини депозитларга жалб қилишдан олдин Газначилик бошқармаси томонидан маблағларни депозитларга жалб қилишининг иқтисодий асосланганлиги бўйича таҳлил ўтказилади.

Ўтказилган таҳлиллар иқтисодий асослантирилгандан сўнг маблағларни жалб қилиш бўйича тегишли қарор белгиланган тартибда қабул қилинади.

23. Депозитларнинг муддати, микдори ҳамда фоиз ставкаларини мувофиқлаштириш тегишли таркибий тузилмалар томонидан Газначилик бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

24. Газначилик бошқармаси томонидан депозитлар ва фоиз ставкаларини шаклланиши бўйича ҳар чоракда тўлиқ таҳлил қилинади ва ҳисботларни юритади ҳамда банк бошқарув органларига ва тегишли ваколатли ташкилотларга тақдим этиб боради.

25. Ҳисботлар турига қараб тегишлича Банкнинг Кузатув кенгашида, Банк Бошқарувида ва Ликвидлилик қўмитасида кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

26. Сиёсат талабларини бажарилишини юзасидан Банк Кузатув кенгашига ҳисбот тақдим қилиб бориш Банкнинг Газначилик бошқармаси томонидан амалга оширилади.

7-боб. Якуний қоидалар


27. Банкнинг тегишли раҳбар ва ходимлари томонидан мазкур Сиёсат талабларига риоя қилинмаган тақдирда уларга нисбатан амалдаги тартиб-қоидаларга асосан интизомий чоралар ўрнатилган тартибда қўлланилади.

28. Банкнинг тегишли таркибий тузилмалари амалдаги қонунчилик ҳамда мазкур Сиёсат доирасида депозитлар ва бошқа инструментлари орқали маблағларни жалб этишда назорат функциясини ўз йўналишлари бўйича амалга оширади.


29. Мазкур Сиёсатга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Газначилик бошқармаси тавсияси асосида Банк Бошқаруви томонидан киритилади ва Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

30. Мазкур Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси



амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.



Three handwritten signatures in blue ink are placed below the stamp. From left to right:

- A long, flowing signature starting with 'Дарё'.
- A signature that includes the word 'Банк' and ends with a large 'О'.
- A shorter, more compact signature ending with 'Чу'.

ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий экспертизадан
үтказиш түғрисида)

Экспертиза үтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизада н үтказилган мөърий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Депозит Сиёсати.
Экспертиза үтказиша фойдаланилган қонунчилик ва мөърий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш түғрисида”ги Қонунларига банкнинг Устави ва ички мөърий хужжатлар.

Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Марказий банкнинг мөърий хужжатлари ҳамда банкнинг Устави талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банкнинг пул маблағларини депозитга жалб қилиш, ресурсларини шакллантириш ва қайтариш ҳамда жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш соҳасидаги фаолиятнинг асосий мақсад ва вазифалари, тамойиллари ва омиллари, пул маблағларини депозитга жалб қилиш, депозит бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш, ҳисоб ва назорат каби масалаларни мувофиқлаштиради.

Ушбу Сиёсатни ишлаб чиқиша қонунчилик техникиси қоидаларига риоя қилинган.

Хуқуқшунос

М.Фуломжонова